



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељагаи  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 8 июль, № 133 (4543)

Сешанба

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 24 июнда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2008 йил 27 июнда маъқулланган

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қўйидаги билдиришлар, баёнотлар ва шартлар билан қўшилисин:

1) **Конвенция 6-моддасининг 3-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси шунинг билдирадигани, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа Иштирокчи-давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгиланган»;

2) **Конвенция 42-моддасининг 1 ва 3-бандлари** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси шунинг билдирадигани, 15–19, 21, 22-моддаларда, 23-модданинг 1-бандида, 24, 25, 27-моддаларда назарда тутилган қилмишлар миллий қонунчиликка мувофиқ жиноий жазоланадиган қилмишлардир ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси татбиқ этилади»;

3) **Конвенция 44-моддасининг 6-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси Конвенция 44-моддаси 6-бандининг «а» қисми бандига мувофиқ шунинг билдирадигани, ушбу Конвенциядан коррупция жиноятлари содир этган шахсларни тутиб топшириш масалаларида ушбу Конвенциянинг бошқа Иштирокчи-давлатлари билан узаролик асосида ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асос сифатида фойдаланади»;

4) **Конвенциянинг 46-моддаси** бўйича:  
а) **13-банд.** «Ўзбекистон Республикаси шунинг билдирадигани, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси узаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши тўғрисидаги илтимосларни олиш ва бажариши ёки бундай илтимосларни бажариши учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларига юборишга жавобгар бўлган марказий органдир»;

б) **14-банд.** «Ўзбекистон Республикаси шунинг билдирадигани, узаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосларни юборишда Ўзбек, рус ва инглиз тиллари мақбул тиллар сифатида белгиланган»;

5) **Конвенциянинг 66-моддаси** бўйича: «Ўзбекистон Республикасининг Конвенция 66-моддасининг 3-бандига мувофиқ шунинг билдирадигани, ушунинг билдирадигани 66-моддаси 2-бандининг қоидаларига боғлиқ деб ҳисобламайди».

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2008 йил 7 июль  
№ УРҚ — 158

## ЯРИМ ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маққамаси Ахборот тизимлари ва  
телекоммуникациялар масалалари  
комплексининг 2008 йил биринчи ярим  
йиллигида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш  
яқунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда ишловларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маққамасининг 2008 йил 8 февралдаги йилги йилги маърузасида ва ушбу йилги баён билан берилган топшириқлардан келиб чиқиб Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар комплексининг 2008 йилги биринчи ярим йиллиги яқунлари, ахборот-коммуникация технологияларининг вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида татбиқ этилишининг ҳолати, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида архив ишини ташкил қилиш ва иш юритишнинг аҳоли тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Хисобот даврида соҳа корхоналари томонидан ишлаб чиқариш ҳажмларининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, корхоналарда модернизациялаш жараёнини давом эттириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўлайтириш ва сифатини яхшилаш орқали экспорт имкониятларини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, корхоналарнинг давлат таъсирининг таъминлаш, хизматлар турларини кўлайтириш ва ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, молиявий ва ижро интормацияси янада мустаҳкамлаш борисида амалий ишлар олиб борилди.

(Давоми 2-бетда).

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

**Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шўҳратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гаровидир**

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ислохотларнинг негизиде инсон ва унинг манфаатлари муҳасамлиги эса ушбу эзгу ишларнинг асосини ташкил қилади. Хусусан, Президентимиз томонидан юртимизнинг келажакини яратувчи куч — ёшларга берилаётган эътибор ва яратилаётган қўлай шарт-шароитлар ҳам айнан шу хайрли ишларнинг узвий давомидир.

Дарҳақиқат, ёшлар — юрт кўрки, мамлакат таянчи. Уларни ҳар қанча асраб-авайласак, қўлаб-қувватласак, келажакимиз пойдевори шўналик мустаҳкам бўлади.

Ёшлар йили Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши, шўҳасис, юртимиз йигит-қизларининг орзу-истаклари ижобат бўлишига хизмат қилади. Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси қўшидаги «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилган навбатдаги тад-



бир ҳам навқирон авлодни қўлаб-қувватлашга қаратилган. Гап шўндаки, марказ ташаббусига кўра, бир гуруҳ иқтидорли ёшлар Қашқадарё вилоятидаги «Лочин» дам олиш масханада бўлишди.

— Мазкур оромгоҳ «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг ёшлар учун мўлжалланган қатор лойиҳалари қўлиблари ҳамда марказ фаолларини бағрига олмақда, — дейди «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази раҳбари Баҳодир Шаропов. — Йигит-

қизлар ўн кун мобайнида ёзги оромгоҳ дастуридан жой олган «Лойиҳалар ёзиш», «Етакчилик қўбилиятини ривожлантириш», «Бир жамоа бўлиб ишлаш» мавзуларида ўқув-тренинглари ва ахборот семинарларида, спорт мусобақалари, мода намоийшлари, турли кўнгилчор тадбирларда қатнашдилар.

Ёзги оромгоҳ дастурида санъат ва маданият йўналишига алоҳида эътибор берилган. Мақсад — барча вилоят ёшларининг ўз анъана ва урф-одатларидан келиб чиқиб, бадий чи-

қизлар уюштириш. Бундан ташқари, «Дунё рақслари» фестивали, элимиз ардоғидаги таниқли санъаткорлар билан учрашувлар ҳамда янги ўзбек бадий фильмларининг намоийши ёшларга маъқул келиши, шўҳасис.

Омонулла ҒАЙЗИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: марказнинг бир гуруҳ ёшлари сарфар таррадуида.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.



## ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Ватан остонадан бошланади,  
ватанпарварлик туйғуси инсон вужудига  
бешиқдаёқ сингади. Ватанпарварлик  
инсоннинг юриш-туришию фикрлаш  
тарзида акс этади. Шу маънода, бугун  
одамлар онгу тафаккуридаги ўзгаришни  
англаш қийин эмас.

Боқимандаликка ўрганиб қолган, ҳамма нарсани давлат қўлиб бериши керак, деган ўта жўн тушунча миясига ўрнашиб қолган ана шўндай кишининг ҳам фикри, шўрки, ўзгарди. Зеро, ИСТИҚЛОЛ деган кўтлўк хавёт вужуд-вужудимизга янги руҳ олиб кирди. МУСТАҚИЛЛИК деб аталмиш муборак неъмат билан хозирги кунларимиз-

ни тез-тез таққослаб тураман, — дейди тадбиркор Ислам Қорав. — Отам раҳматли каттагина ер олиб, деҳқончилик билан шўгулланганини, шў орқали оиламиз, маҳалламизни обод этишни орзу қила-қила ўтиб кетдилар. Бирок у пайтларда хозиргидек ер эгаси бўлиш эртадек гап эди. Отанин армонларини ушалтириш

эса, менга насиб этди. Зеро, истиқлол имкониятлари туфайли тадбиркор бўламан, деганга кенг йўл очилди. Шўнинг учун дадил қадаму эзгу ниятлар билан мустақилликнинг дастлабки йиллариданк энг шимариб ишга киришдик.

Ургут тумани марказида «УРГ-АНТЕП-ЯШАМ» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонамиз бор. Юздан ортик турда гилам ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Икки юз нафар кишини иш билан таъминлаганмиз. Бир тану бир жон бўлиб, яхши ниятлар ила бошлаган ишимиз, мана, хозир ўз самарасини берапти. Айни

пайтда, маҳсулотларимизнинг нафақат маҳаллий бозорларимизда, шў билан бирга, қўшни ва хоржий мамлакатларда ҳам харидорлари бор. Дастгоҳларимизнинг барчаси замонавий, хом ашё, асосан ўзимиздан чиқади. Олаётган фойдамиз, даромадимиз яхши. Шўнга яраша хиймат кўрсатаймиз. Худудимиздаги боғчани ва 86-мактабни мукаммал таъмирлашга бош қўшдик. Кам таъминланган оилаларга қўлдан келганча ёрдам бераймиз. Бизни бундай тўқ-бадавлатликка истиқлол этказди.

(Давоми 2-бетда).

## Жамғарманин хайрли дастури

«Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармасининг соғломлаштириш дастурига мувофиқ, туғма лаб-танглайда нуқсони бўлган 120 нафардан зиёд бола жарроҳлик йўли билан даволанди.

— Бухоро вилояти клиник касалхонасининг жарроҳлик бўлимида жамғарманин қиз ва ўғил болалар учун ало-

ҳида палаталари ташкил этилган, — дейди жамғарма вилоят бўлими раиси М. Саъдуллаева. — Ушбу мақсадни амалга ошириш учун тўрт миллион сўмдан кўпроқ маблаг сарфланди.

Истам ИБРОҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонасида шаҳзода Майкл Кентский шафелигидеги Британиянинг «Оксус Голд» компанияси тасвис этган «Амантайтау Голдфилдс» стипендия жамғармасининг тақдироти бўлиб ўтди.

## Лондонда «Амантайтау Голдфилдс» стипендия жамғармасининг тақдироти

Тадбирда шаҳзода М. Кентский, Исландия президенти О. Гримссон, «Оксус Голд» компанияси бош ижро директори Р. Вилкинс, Лондондаги Вестминстер университет ректори Ж. Петтс, Тошкент Халқаро Вестминстер университети раҳбари, Буюк Британиянинг бир қатор вазирлик ва идоралари расмийлари, ушбу мамлакат парламенти ҳамда Европарламент аъзолари, эксперт ва ишбилармон доиралар вакиллари, Лондонда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари раҳбарлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Шаҳзода Майкл Кентский тадбирнинг очилиш маросимида маъруза қилиб, икки мамлакат алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи стипендия жамғармасига хомийлик қилиш унга катта мамнуния бахш этишини қайд этди. Шаҳзода Тошкент Халқаро Вестминстер университетида Навоий вилоятдан келган талабаларнинг таҳсил олишига қўлақлаш буйича, шўнингдек, Зарафшон шаҳрида инглиз тили марказини ташкил этишга қаратилган жамғарма лойиҳаларига юқори баҳо берди.

Эътироф

Хомийлик қилиш унга катта мамнуния бахш этишини қайд этди. Шаҳзода Тошкент Халқаро Вестминстер университетида Навоий вилоятдан келган талабаларнинг таҳсил олишига қўлақлаш буйича, шўнингдек, Зарафшон шаҳрида инглиз тили марказини ташкил этишга қаратилган жамғарма лойиҳаларига юқори баҳо берди.

(Давоми 2-бетда).

## Биз ва дунё

Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри қўшидаги «Сабо» миллий рақс ансамбли жамоаси Хиндистон мамлакатига йқодий сафар уюштирди. Тадбир Хиндистон маданий алоқалар маркази томонидан Ўзбекистоннинг мазкур мамлакатдаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

## Хиндистонда ўзбек рақслари гулдастаси

Айтиш жоизки, ўтган йилнинг декабр ойида ҳам мазкур ансамбль Деҳли халқро фестивалида иштирок этиб, санъат илосмаицларининг олқиларига сазовор бўлган эди. «Сабо» ансамбли мамлакатимизнинг ёш йқодий жамоаларидан ҳисобланади. Бадий раҳбар Муборак Мирзаева ва бош баalletмейстер, Ўзбекистон халқ артисти Қодир Муъинов ҳар бир дастурага алоҳида тайёрларлик кўриб, миллий рақс санъатимизнинг ўзига хос жиҳатларини хоржиде намоийш этиш ишга муносиб ҳисса қўлиб келмақда.

Бу гал «Сабо» санъаткорлари Хиндистоннинг уч йирик шаҳри — Деҳли, Шринагар ва Лакноуде юртимизнинг турли минтақаларига хос бўлган рақслардан ташкил топган махсус бадий дастурини намоийш этишди. Ундан урин олган Фаргона, Бухоро ва Тошкент услубидаги сахна чиқишлари, Сурхондарё ва хоразма рақсларининг ўзига хос кўринишлари хиндистонлик санъат шинавадаларининг олқиларига сабаб бўлди.

— Ўзбекистонлик санъаткорларнинг рақслар гулдастаси ва уларнинг ижро маҳорати бизнинг томошабинларда катта таассурот қолдирди. — дейди Хиндистон маданий алоқалар кенгашининг минтақавий директори Т. Гиваргизан. — Халқларимизнинг маданий ришталари азалийдир. «Сабо» ансамбли намоийш этган бадий дастур узаро дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шўҳасис.

«Жаҳон» АА.  
Деҳли

## ЎЗБЕК ВЕЛОСПОРТЧИЛАРИНИНГ ЯНА БИР ЮТУҒИ



Ўзбекистонлик велоспортчиларнинг нуфузли халқро турнирларда қўлга киритаётган муваффақиятлари салмоқли бўлмоқда.

Япония ва Жанубий Кореяда ўтказилган «Tour de Korea-Japan» кўпкунлик велопойғасида ҳам Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок этди. Айниқса, ҳамюртимиз Сергей Лагутин эришган натижа салмоқли бўлди.

Тошкент халқро аэропортида голиб ва совриндор велоспортчиларимиз катта тантана билан қўлиб олинди. Шу ўринда таъкид-

лаш лозимки, «Tour de Korea-Japan» Осие қитъасида уюштириладиган энг нуфузли мусобақалардан

Фахр

саналади. Ушбу мусобақада йигирмага яқин мамлакат спортчилари иштирок этди. Дастлабки икки босқич Японияда ўтказилди. Жанубий Корея йўлиридаги ўн босқичли бахсларда

(Давоми 4-бетда).

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Инсон қайси соҳада фаолият кўрсатишдан қатъи назар, фидойи бўлмаса, эл-юрт орасида обрў-эътибор, яхши ном қозонмоғи мушкул, — дейди Ўзбекистон халқ рессоми Икром Баҳромов. — Бу ҳаётий ҳақиқат. Шу билан бирга, ҳар бир касб эгаси ўз зиммасидаги вазифага масъулият билан ёндошар экан, қилаётган меҳнатига муносиб рағбат қўриши ҳам юрагининг бир чеккасига тугиб қўяди. Шу маънода, узоқ йиллардан бери турли соҳаларда ўзларини кўрсатиб келаётган, изланиш ва интилишлари орқали юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ҳамюртларимиз беҳисоб. Ана шундай кишилар билан мулоқот жараёнида гувоҳ бўлганмики, уларнинг гап-сўзида, юз-кўзида мамнуният ва ғурур хисси яққол барқ уриб туради.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида бўлиб, ижодкор-рассомлар ҳаётини яқиндан кўрган киши сифатида яхши биламанки, ҳеч бир юртда ижод аҳли бу қадар юксак қадрланмайдими. Бизда фидоикорона фаолиятга ҳаммиса муносиб баҳо бериб келинмоқда.

Бизда ишлайман, ўз касбу корим, ҳунарим билан юрт оғирини енгил, узоғини яқин қиламан деганларнинг хизмати ҳеч қачон ерда қолмайди. Виждонни белга қамар, шижоатни кўксига шior қилиб олган фидойилар юртимизда истаганча топилади. Президентимиз раҳнамоллигида амалга оширилаётган ислохотлар эса фидойилар сафининг янада кенгайишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Лондонда «Амантайтау Голдфилдс» стипендия жамғармасининг тақдироти

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ўзбекистон ҳукумати ёшлар таълимига жиддий муносабатда бўлгани ҳолда, ушбу мақсадларга мамлакат ялпи ички маҳсулотининг салнокли қисmini йўналтирмоқда, — дейди М. Кентский. — Ўзбекистон аҳоли саводхонлиги бўйича жаҳондаги юқори кўрсаткичлардан бирини эгаллайди. Ушбу хайрилик ишга ўзимнинг ҳамтарин хиссамни қўша олганимдан мамнунман.

Шаҳзода Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг фахрия аъзоси бўлиб, ушбу олий ўқув юртида таълим сифатининг юксак даражада эканини таъкидлади ва «университет бутун Марказий Осиёдаги ноёб ўқув муассасаси эканига эътибор қаратди.

М. Кентский 2005 йилда Ўзбекистонга амалга оширган ташириоти, «Оксус» тоғ-кон саноати корхонасига, шунингдек, Мурунтоғдаги олтин казиб олувчи конга сафар таассуротларини илқлик билан ёдга олди.

Шаҳзода, айниқса, ўзининг кўхна ва бетакор Самарқанд шаҳрига қилган зиёрат ҳақида алоҳида завқ-шавқ билан сўзлади.

— Бу қадимий шаҳар Буюк Ипак йўлининг афсонавий маконларидаги улугвор кентлардан биридир, — дейди М. Кентский. — Ўзбекистон эса мурд ва мағрур инсонлар, қадим цивилизация ва бой маданий

«Жаҳон» АА.  
Лондон

**Суд-хуқуқ ислохотларини амалга ошириш демократик хуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим шартларидан саналади. Бунда, аввало, инсон хуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, унинг қадрини юксак даражада кўтариш, қонун устуворлигини**

**таъминлаш муҳим ўрин тутди. Шундай мезон бор: давлатнинг қай даражада демократик эканлигини суд ҳокимиятига бўлган муносабат кўрсатади. Чунки айнан мазкур институт инсон хуқуқларини ҳимоялашда муҳим қафолат экани тарих синовидан ўтган.**

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ ИСЛОХОТЛАР НЕГИЗИДИР

Мустақиллик йилларида суд-хуқуқ тизими босқичма-босқич ислохот эдилди. Бу йўналишда, аввало, суднинг мустақиллигини таъминлаш, одил судлов принципларини тақомиллаштириш, суд назоратини кенгайтириш ва мустақамлаш эътибор марказида бўлди. Бу олий мақсадга эришишда аҳолининг хуқуқий онги, жамиятнинг сиёсий фаоллиги, демократик тамойилларнинг кишилар онига таъминлаш эътибор марказида бўлди. Бу олий мақсадга эришишда аҳолининг хуқуқий онги, жамиятнинг сиёсий фаоллиги, демократик тамойилларнинг кишилар онига таъминлаш эътибор марказида бўлди.

Юқорида тизимдаги ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилганини қайд этдик. Бунинг биринчиси, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган даврдан бошланади. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, суднинг мустақил ҳокимиятига эътибор қилиниб, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятидан ажратилди. Янада муҳимроғи, бунда инсон хуқуқ ва манфаатлари давлат манфаатларидан ҳам устун қўйилди.

Иккинчи босқич, 1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган бошланди, дейишга асослар етарли. Унга биноан, суд тизими Конституциявий суд, умумий судлар ва ҳужалик судларига бўлинди. Шунингдек, 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, 1995-1997 йилларда Фуқаролик, Фуқаролик-процессуал ва Ҳужалик-процессуал кодекслари ва бошқа бир қатор муҳим қонунлар қабул қилиниб, соҳанинг хуқуқий асосларига тамал тош ўрнатилди. Зарур идоровий механизмлар ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, истиқлол йилларида Ўзбекистонда инсон хуқуқлари ва эркинликларини устуворлигини таъминлашнинг, янги юридик тамойил ва талабларга асосланган кенг хуқуқий муҳит вужудга келтирилди. Республика ўз қонунларини инсон хуқуқлари соҳасидаги халқаро нормалар ва андозаларга мувофиқ-

лаштириш, шахс эркинлигини ҳимоя қилганидан яқин тизимни барпо этиш, бу борадаги халқаро шартномалар ва ҳужжатларга қўшилиши йўлидан борди.

### Мушоҳада

2001 йил 29 августдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши соҳадаги ислохотларнинг учинчи босқичини бошлаб берди, десак хато бўлмайди. Зеро, ушбу Қонунда инсон хуқуқлари олий қадрият сифатида энг долзарб ва аҳамиятга молик бўлган воқелик сифатида намойн бўлди. Яъни, жазо тизимидан бўлиб жазоси чиқариб ташланди ва бутунлай бекор қилинди. Шунингдек, қамоққа олишга санкция бериш

тирокчиларнинг процессуал хуқуқларини қўшимча муҳофаза қилишга ҳизмат қилиши юридик соҳа мутахассислари томонидан муҳим қадам сифатида эътироф этилмоқда.

Президентимизнинг «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича таъкидот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эса суд-хуқуқ ислохотларини амалга оширишда яна бир муҳим воқеа бўлди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Хулоса қилиб айтганда, бугун мамлакатимизда суд-хуқуқ тизими институтлари тўла шакллантирилган. Улар фаолиятида инсон омилнинг устувор тамойилга айлангани ҳам бор гап. Зотан, кейинги йилларда олиб борилган ислохотларнинг туб замирида мана шу гоя муқдасам. Демакки, бундан кейинги амалга оширилажак ишларимизда ҳам бу омил ўз қадрини йўқотмайди.

Зумрад ИНОҒОМЖОНОВА,  
юридик фанлар доктори, профессор,  
Гулҷаҳра ТўЛАҒАНОВА,  
доцент.

— Президентимизнинг шу йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни қучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилишига, — дейди Қизилқум туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Абдураҳим Тилолов.

## ЧОРВАЧИЛИК — КОНИ ФОЙДА

Саксон уч минг аҳоли яшаб турган туманда хонадонлар ва фермер хўжалиқларида 28 минг бош (шунинг 12300 боши сиғир)дан зиёд қорамол, 35400 бошга яқин қўй-эчки, 45 минг бош атрофда қаратилган боқилар яши. Утган йили бу ерда жон бошга 80 килограмдан гўшт, 320 килограмдан зиёд сут ишлаб чиқарилганини назарга олсак, туманининг чорвачилик маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлашга қаратилган чора-тадбирлари натижаси яққол аён бўлади.

Бирок фермер хўжалиқларининг (улар туманда 688 та. Шундан 38 таси чорвачиликка ихтисослашган) бу салмоқли рақамлардаги улуши — гўшт етиштиришда икки ярим фоиздан, сут етиштиришда эса икки фоиздан ошмаганини ҳисобга олсак, бу борада ҳали умуман имкониятлар ишга солилмаётганини кўришиб қолади.

Имкониятнинг алифбоси — чорва туёк сонини кўпайтириш. «Қорақасмоқ» фермер хўжалигининг бу борадаги ҳаракатлари ибратли. Хўжалиқда пахтачилик ва галланиликдан ташқари 200 тадан зиёд қорамол парварилланмоқда. Шу асосда 30 тадан зиёд иш ўрни яратилди. Деҳқончиликда алмашлаб экиш аниёнага айланди. Хўжалик раҳбари Нуртожи Қултураевнинг фикрича, асл деҳқон чорвани ташлаб қўймайди. Чорва — деҳқончиликнинг таъинларидан бири, органик ўритманба. Сираси, бугунги деҳқон чорвадор ва, бугунги чор-

вадор, албатта, деҳқон бўлимоғи керак.

Тадбиркорликнинг бу қиррасини биз энди тушуниб етгандай бўляпмиз, — дейди қўй-қариб 500 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган «Рабатча» фермер хўжалигининг бошлиғи Арабали Дўстмуродов. — Қўй эмас, уч юзта товугим ва 60 бош совлигим бўлсин-чи, ишчиларимнинг озиқ-овқатини таъмин этган бўламан. Ҳозирда тегишли тартибда фермер хўжалиқларига ва хонадонларга парранда берилди. Соҳага кўрсатилаётган бу рағбатнинг аҳамиятини кенгроқ маънода уйлаб кўрадиган вақт келди.

Вақт эса ганимат, имконият. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими мутахассиси Намоз Бозоров бу хазинани ўзлаштиришга, ундан самара олишга фермерлар энди ўрганиб бораётганини таъкидлайди.

— Шу йилнинг ўзида фермерларимиз чорва туёк сонини камида икки бараварга кўпайтирадилар, — дейди у. — Бозорларда фермерларнинг гўшт ва сут расталарини очамиз. Уттизта маҳалланинг ҳар қайсисидда фермернинг ёки тадбиркорнинг гўшт-сут дўкони ишлаб туришини режалаштиряпмиз. Уйлаб фермерларимиз ҳозирдан шу мақсадда кўраларини молга тўлдирмоқдалар. Қишга озуқа жамғармоқдалар.

Олимжон УСАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЯРИМ ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

2008 йилнинг ўтган даврида Комплекс бўйича жами 641,41 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатилди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 157,18 фоизни ташкил этди.

Экспорт прогнози кўрсаткичлари 136,8 фоиз бажарилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича

117,8 миллиард сўмлик /90,6 миллион АҚШ доллари/тўғридан-тўғри жалб қилинган чет эл сармоялари ўзлаштирилиб, бу борадаги йиллик режа 60 фоизга урдланди.

Йилигида вазирилик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш, Интернет тармоғида ахборот ресурсларини кўпайтириш, ахборот хавфсизлигини

таъминлаш, давлат интерактив хизматлари сонини ва сифатини ошириш ҳамда қишлоқ жойларига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари хизматларини ривожлантириш масалаларига алоҳида аҳамият бериш лозимлиги қайд этиб ўтилди.

Республика давлат ва ҳужалик бошқаруви органларида архив иши ва иш юритишнинг аҳоли таҳлил этилиши ҳамда бу борада қатор вазирилик, идора

ва компанияларнинг фаолияти танқидий баҳоланиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, Комплекс таркибидagi идораларда «Ешлар йили» ва бошқа устувор Давлат дастуриларнинг бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини қучайтириш, раҳбарлар ва мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш, ҳодимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан тегишли топшириқлар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

(Ў.А.)

## СУВ КЕЛТИРГАН ЭЛДА АЗИЗ


Қарши магистраль каналини мутахассислар воҳанинг «қон томири»га менгзашди. Зеро, ушбу сув иншооти вилоятнинг Нишон, Муборак, Косон, Қарши ҳамда Ҳузур туманларини обихайит билан таъминлайди.

### Интилиш

Бу ерда еттига йирик насос бўлиб, улар ёрдамида ҳар дақиқада 250 куб метр Амударё суви 132 метр баландликка чиқариб берилди.

Магистральнинг Қарши кичик станцияси бошқармаси таркибида эса 6 та насос ва 35 та агрегат мавжуд. Бугунги кунда уларнинг ёрдамида 25 минг гектар майдонга сув етказиб берилмоқда.

— Агрегатларнинг бир маромда ишлаши учун 97-мақсус механизациялашган кўнча жамланма ташкил этилган, — дейди «Толлимаржон» сув омбори бошлиғи Нейматилла Муродов. — Айнан ушбу жамла сай-ҳаракати тўғрисида насослар тўхтовсиз ишлаб турибди.



СУРАТДА: сув омбори бошлиғи Нейматилла Муродов (ўртада), етакчи мутахассислар Зайниддин Хидиров ва Нарзилло Муродов.

Шомурод ШАРОПОВ (Ў.А.) олган сурат.

Самарқанд шаҳрида 931 та кўп қаватли уй мавжуд. Уларга 172 та уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатади. Утган йили 1991 йилгача қурилган 75 та кўп қаватли тураржой тоғлари ва ертўлаларидаги иситиш тизимлари таъмирланди. Аммо бу борада бюджет ҳисобидан қопланиши лозим бўлган маблағ тўлиқ ўзлаштирилмади. Ширкатлар ҳисобидаги 30 фоизлик маблағдан ҳам етарли миқдорда фойдаланилмади.

Оқибатда шаҳарда 2007-2008 йиллар киши мавсумида кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолининг бир қисми азият чеқди. Айниқса, қувурларнинг эскириб кетганиги сабаб, қанчадан-қанча уйларда иссиқлик бўлмади ёки иссиқликнинг бир маромда берилмаслиги оқибатда кўп хонадонларда иситиш тизимлари издан чиқди. Шу сабаб, одамлар совуқдан дилдираб, қўнғига ялғуф бўлса-да, электр иситкичларидан, газ қучайтиргичларидан фойдаланишга мажбур бўлишди. Аммо электр энергияси ҳам, табиий газ ҳам ҳисобли, улар чексиз эмас. Қиш ҳақини сочган 2008 йилнинг январь-февраль ойларида бу ибора ҳаққатлигини кўрсатди.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мамлакатимиз Президентини айнан шу масалалар ҳақида, шундай уйларида яшайдиган юзлаб одамларни кўпдан буён қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича ишларнинг ўлди-жўлда

қилиб кетаётганлигини кўйиниб гапирдилар.

Албатта, бу борада бутун айбни бир томонга юклаш адолатдан эмас. Сабаби, аҳолининг коммунал тўлов борасидаги қарзлари ҳам анчагина эди. Бугун шаҳардаги қайси бир уй-жой мулкдорлари ширкати уюшмаси раҳбари билан суҳбатлашманг, биринчи галда аҳолининг қарздорлиги ҳақида гапирди. Одамлар эса хизмат кўрсатиш сифатининг паслигини доғдонишди.

Хўш, бундай вазият қанчанча давом этади? — Президентимизнинг вилоят кенгаши сессиясидаги нутқидан тегишли

хулоса чиқардик, — дейди шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси Хайринисо Шатанова. — Йил бошидан шаҳардаги 16 та кўп

### Шаҳар хўжалиғи

қаватли уй-жойларни мукамал таъмирлаш ишларини бошладик. Уларнинг 10 тасида ишларни ниҳонсига етказилди, ҳам. Қиш фаслига қадар давлат дастурига киритилган 1991 йилгача қурилган кўп қаватли уйлarning 75 таси мукамал таъмирланди. Бунинг учун 980361 минг сўм маблағ сарфланиши

кейин барпо этилган бир қанча тураржойлар ҳам таъмирга ва яна қайсидир жиҳатдан қўмакка муҳтож. Масалан, кўп қаватли уйлarning аксариятида лифтилар ишламайди, ертўлаларидан йиллар мобайнида сув аримайди. Сабаби, уларга ўрнатилган қувурлар аллақачон муддатини ўтаб бўлган.

Айнан шундай муаммолар шаҳар ҳокимлиги томонидан эътиборга олинган ҳолда ички имкониятлар ҳисобига кўп қаватли 70 та уйнинг ертўласини таъмирлаш учун турли ҳажмдаги 60 тонна қувур ажратилди дегани бўлди. Уларнинг том қисмини таъмирлаш, апрофи ва ҳудудини ёритиш, йўлакларини

қўзда тутилган. Ана шу маблағнинг 70 фоизи бюджет ҳисобидан ажратилди. Қолгани ширкатлар томонидан қўланади.

Айтиш лозимки, шаҳарда нафақат 1991 йилгача қурилган, балки ундан

га эшиклар ўрнатиш, уйлар орасидаги йўллари тартибга келтириш, 6 та уйнинг лифтиларини янгилаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Шаҳар аҳолисини киши пайтида иссиқ сув билан узлуксиз таъминлаш кўнглидагидек эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Аммо ёзги мавсумда кўп қаватли уйларда одамлар иссиқ сув нималигини анча йиллардан буён унутиб қўйишди. Бу, албатта, аҳоли ва коммуналчилар ўртасидаги ўзаро тўловларнинг кўнглидагидек эмаслиги билан боғлиқ. Энди эса Самарқандда бу масала ҳақида ҳам бош қотирилаяпти. Бундан ташқари шаҳар озодлиги, тозаллигини янада яхшилаш, кўп қаватли уй-жойлар ёнида «бунёд этилган» ноқонуний қурилышларга чек қўйиш вақти келганини ҳам соҳа мутахассислари таъкидлашаётипти.

Бундай вазифаларнинг бажарилиши, аввало, маҳаллалар, уй-жой мулкдорлари ширкатлар раҳбарлари ҳаракатлари, уларнинг ўз зиммаларига юклаган масъулиятини нечоғлик англашлари билан боғлиқ. Шаҳар аҳолиси эса мутахассислар ташаббусига, ташкилотчилигига қўшилишга, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаммиса тайёр.

Абдураҳим САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 8 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқарува ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:\*/

1 Австралия доллари	1260,01	1 Малайзия рингити	401,83
1 Англия фунт стерлинги	2594,14	1 Польша злотийси	620,37
1 Дания кронаси	275,47	1 СДР	2146,85
1 БАА дирхами	357,19	1 Туркия лираси	1063,69
1 АҚШ доллари	1311,96	1 Швейцария франки	1274,99
1 Миср фунти	246,38	1 ЕВРО	2053,35
1 Исландия кронаси	16,97	10 Жанубий Корея вони	12,61
1 Канада доллари	1286,87	10 Япония иенаси	122,44
1 Ҳитой вони	191,38	1 Россия рубли	55,80
		1 Украина гривнаси	270,52

\*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.



Спорт Sport Спорт

Ўзбек велоспортчиларининг яна бир ютуғи

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Мамлакатимизда спорт билан шуғулланиш учун барча имкониятлар яратилган, — дейди Сергей Лагутин. — Бизнинг галабамиз юртимизда бунчалик катта тантана билан кутиб олинишни кутмаган эдик. Имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистонда спортни ривожлантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қуватлашда алоҳида гамоҳўрлик кўрсатилаётганини ушбу Президентимизга миннатдорлик билдираман. Насиб этса, Ватанимиз шарафини Олимпия ўйинларида ҳам муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қиламиз. Дарвоқе, Сергей Лагутин велоспорт бўйича юртимизнинг энг кучли спортчиларидан ҳисобланади. У 23 ёшгача бўлган велоспортчилар орасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритган.

Кураш тарғиботчисига мукофот

Жорий йил курашнинг халқаро спорт тури сифатида эътироф этилганига ўн йил тўлади.

Бугунги кунда жаҳоннинг юздан орттиқ мамлакатда кураш федерациялари фаолият кўрсатаётгани барчамизни гурурлантиради. Кураш халқаро ассоциацияси биринчи вице-президенти ва Хиндистон кураш федерацияси президенти Жагдеш Татлер миллий кадриятимиз халқаро майдонда тан олинган илк кундан бошлаб уни ривожлантириш йўлида ғайрат кўрсатиб келади. Курашнинг ёпиқ иншоотларда ўтадиган Осиё ўйинлари дастуридан жой олишида ҳам Жагдеш Татлер жанобларининг ҳисоси катта.

Кўни кеча пойтахтимизда миллий спортимизни Осиё қитъасида ривожлантиришга қўшаётган катта ҳисоси учун Ж. Татлерга Кураш халқаро ассоциациясининг бешинчи олтин медали топширилди.

Тадбирда КХА раҳбарияти, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Пешқадамларнинг муҳим галабаси

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигасида 14-тур учрашувлари ортада қолди.

Чемпионат пешқадами "Курувчи" ўз майдонида Бекбоднинг "Металлург" жамоасини қабул қилиб, 4:2 ҳисобида галаба қозонди. Ўйин якунланишига ўн дақиқа қолганида ҳам 2:2 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилаётганди. Аммо Тимур Кападзе ва Шавкат Саломовнинг голлари "Курувчи" жамоасига навбатдаги муҳим галабани келтирди. "Пахтакор" Жиззахда "Сўғдиёна" устидан қийинчилик билан 2:1 ҳисобидаги галабага эришди. Учрашунинг 9-дақиқасида ўз дарвозаларидан тўп олиб чиққан "пахтакорчи"лар Уче ва Марковичнинг голлари эвазига меҳмондан уч очко билан қайтдилар.


"Насаф" қутилмаганда ўз майдонида "Нефтчи"га 0:1 ҳисобида имониятни бой берди.

Ўн туртинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Навбахор"—"Машъал" 1:0, "Андижон"—"Шўртан" 3:0, "Қизилқум"—"Локомотив" 1:0, ОТМК—"Динамо" 1:1, "Бухоро"—"Ўз-Донг-Жу" 3:1.

Ҳозирча турнир жадвалида "Курувчи" жамоаси 40 очко билан яққа пешқадам бўлиб турибди. Иккинчи ўринда боравётган "Пахтакор"да 38, учинчи ўринни эгаллаб турган "Нефтчи" ҳисобида эса 25 очко бор.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт Sport Спорт



Китобсеварларга тухфа

Андижон давлат университетидида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг китоб дўкони фаолият кўрсата бошлади.

Кулайлик

Ёшлар йили Давлат дастури доирасида иш бошлаган ушбу дўкonda бадиий асарлар билан бир қаторда ўқув қўлланмалари, кўргазмалари ва ўқув қуроллари ҳам бор. Бу университетда таълим олаётган талабалар, умуман, китобсеварлар учун катта қулайлик бўлди.

Одилжон ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қорасув шаҳрида аскиячи ва қизикчиларнинг анъанавий республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

АСКИЯЧИ ВА ҚИЗИҚЧИЛАР КЎРИГИ

Тадбир Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган. Шаҳардаги "Сайилгоҳ" хибонидида ўтказилган ушбу танловда кўплаб ёш иқтидорли қизикчилар

қатнашди. Танлов якунига кўра, қизикчилик ва миниатюра йўналиши бўйича Фарона вилоятининг Учқўтқрик тумани вакиллари голиб деб топилди. Совриндорларга ҳомийлар ҳамда танлов ташкилотчиларининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Ҳусан БУРҲОНОВ.

Ўқув марказининг довруғи

Қарши шаҳридаги «Зебунисо офарин люкс» ўқув марказининг нуфузи тобора ошиб борапти. Бунинг боиси бор.

Бу ерда тахсил олган ёшлар қисқа вақтда ўз касбининг устаси бўлиб етишибгина қолмай, уларнинг барчаси иш билан таъминланмоқда. Марказ бундан икки йил олдин тикувчи чеварлар тайёрлаш бўйича иш бошлаган эди. Ҳозирда эса компьютер операторлари, зардўзлар, қандолатчилар ва сартарошлар

ҳам тайёрланмоқда. Ёшларга Гузал Мажидова, Зебо Қозимова, Марғуба Худойназарова, Азиза Отахонова сингари раббийлик қилишмоқда. Икки йилда ўқув марказини 500 илгит-қиз битириб чиқди.

Бўри НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркорликнинг ўз қонуниятлари бор. У давлат рўйхатидан ўтиб фаолият юритиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот эса маълум андозаларга жавоб бериши керак. Жумладан, у истеъмол учун яроқли бўлиши шарт. Зотан, бугунги кунда маҳсулотларга яроқлилик сертификати берилиши ҳам бежиз эмас. Аммо бу жиҳат айрим "тадбиркорлар"нинг ёдидан кўтарилганлиги ачинарли ҳолдир.

АРЗОННИНГ ШЎРВАСИ ТАТИМАЙДИ

Яқинда Наманган туманининг қуйи Ровустон маҳалласидаги бир қатор хонадонларда қўлбола ёғ ишлаб чиқарадиган мойжувозлар фаолият кўрсатаётгани аниқланди. Дилбар Шарипова ҳовлисидаги мойжувоздан чиқаётган пахта ёғини хуфёна савдога чиқариб келган. Уйдан топирилган 180 кг.

минг даража ҳароратдагина инсон ҳаёти учун зарарли бўлган моддалардан тозаланар экан. Қўлбола мойжувозларда бундай имконият қаёқда дейсиз. Уларда тайёрланаётган ёғ таркибидаги турли моддалар эса кишилар соғлиғига ҳавф солиши турган гап. Вилоят ҳуқуқ тартибот идоралари, Давлат ёғ, 285 кг. техник ва 106 кг. дориланган чигит "тадбиркор"нинг ноқонуний қилмишини фош қилдиқўйди. Унинг маҳалладаши Нарғиза Бектирова эса мойжувозни ҳовлидаги молхонага ўрнатган экан. Бу ердан топилган қўлбола дастгоҳ, унинг ёнидаги 327 кг. кунжара ва 24 кг. чигит ашёвий далил сифатида олинган паллада ишбилармон аёл кўзларини қаерга яширишни билмай қолди.

Уйчилик Зоҳиддахон Уматалиева, Муҳаббат Холмирзаева ва Эргаштон Тожибоева эса 200 литр пахта ёғини Қосонсой тумани қишлоқларида пуллаш учун сафарга отланганларида ички ишлар ходимлари томонидан тўхтаб қолди. Бу маҳсулот мутахассислар томонидан текширилганда, истеъмол учун мутлақо яроқсиз эканлиги аён бўлди. Тегишли қоғдага кўра, ишлаб чиқарилаётган ёғ

солиқ бошқармаси ходимлари томонидан қўлбола пахта мойини савдога чиқариш орқали ўзгалар саломатлиғига таҳдид солиб, бунинг эвазига мўмай даромад олиши илинжида юрган сохта тадбиркорлар йўлига қатъий тўсиқ қўйилмоқда. Бироқ улар бу масалада жамоатчилик фаолигини янада муҳимлигини яхши англашади. Зотан, арзонгаров ёғ оламан деб ўзининг, оиласининг соғлигини таҳлика остига қўйгандан кўра, сифатли маҳсулот олганга нима етсин. Юқоридида номлари зикр этилган "тадбиркорлар"га дуч келганда, мана шу жиҳатларни ёдга олиш, бунинг оқибатларини тушунтириш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАРОҚЛИ ВА МАЗМУНЛИ

Хоразм вилоятида мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилини мароқли ва мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кунларда вилоятдаги 41 та болалар оромгоҳида 4 минг нафардан зиёд ўқувчи ҳордиқ чиқарапти. Ёзги таътилда вилоят бўйича 12 минг 240 нафар ўқувчи ташкилий равишда соғломлаштирилади. Улар вилоятнинг энг хушманзара ҳудудларида жойлашган оромгоҳларда ҳордиқ чиқариб, жисмонан чинқишлари учун барча шароитлар яратилган.

Вилоят «Матлуботсавдо» худудий компаниясига қарашли оромгоҳ Урганч тумани Қараман қишлоғида энг хушманзара гўшада жойлашган. Бу ерда мавсумга пухта тайёрлаш кўрилган. Ушбу оромгоҳда болаларнинг марқаб дам олишлари учун қулай табиий ҳамда маънавий муҳит ҳозирланди, — дейди қорхона раҳбари Баҳодир Норбоев. — Оромгоҳни таъмирлаш ишларига 35 миллион сўмдан орттиқ маблағ сарфланди. Йулланма

учун харажатларнинг катта қисмини ҳам ўз зиммамизга олганмиз. Бу йил ёзда оромгоҳда 300 нафар ўқувчи дам олиб, саломатлигини тиклайди. Оромгоҳ бутун ёз давомида Наманган вилоятининг марқаб дам олишлари учун қулай табиий ҳамда маънавий муҳит ҳозирланди, — дейди қорхона раҳбари Баҳодир Норбоев. — Оромгоҳни таъмирлаш ишларига 35 миллион сўмдан орттиқ маблағ сарфланди. Йулланма

салқин, дарахтларга бурканган гўшада 240 нафар ўғил-қиз таътил даврида куч-ғайрат тўплаб, янги ўқув йилига янада шижоат билан киришадилар. Оромгоҳа туманининг барча қишлоқларидан болалар жалб қилинган. Ҳомийлар болажонлар дастурхонидан суг-қатик, тухум, ҳўл мева, ширинликларни узмагтиллар. Турри, вилоятдаги барча ўқувчиларни оромгоҳларга жалб қилишнинг имкони йўқ, Шўни

ҳисобга олган ҳолда, барча мактабларнинг спорт заллари ва майдонлари болалар иштироғига бериб қўйилган. Мактабларда юзлаб спорт секциялари, турли тўғарақлар ишлаб турибди. Демак, таътилни оромгоҳда эмас, ўз оиласи бағрида ўтказатган ўқувчилар ҳам назардан четда қолмайди. Ўқувчилар ўртасида маҳаллалараро спорт мусобақалари, маданий тадбирлар ўтказилади. «Ёзги таътил — 2008» спорт мусобақаларида минглаб ўқувчилар қатнашмоқдалар. Вилоят ёш саяҳатчилар ва ўлкашўнослар марказининг ташаббуси билан ўқувчилар учун тарихий шаҳарларга саяҳатлар, табиат қўйнига сайиллар уюштирилмоқда. Буларнинг барчаси ўқувчиларнинг ёзги таътили мазмунли ўтишида муҳим омилдир.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Abonent to'lovi \$ 0,00. O'zR uyali aloqa operatorlaridan kirish qo'ng'iroqlari \$ 0,00. "Ko'proq so'zlashing" tarif rejasi. Yanada Ko'prog'ini Kuting. u cell.

Tarmoq ichidagi chiqish qo'ng'iroqlari so'zlashuvning 1-daqiqasidan so'ng \$ 0,01. Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Европа ва Осиё мамлакатларидан пластмасса ни қайта ишлаш, пластмасса маҳсулотлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда қадоклаш усқуналари ва технологиялари. «POLIMER GROUP ASIA»

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 26421 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терияли ҳамда операторлар Жамшед Тогаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. 1 -Тижорат материалли.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оринов. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — М. Охунова. Мусахҳад — М. Якубова. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00. Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6 8